Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Қизирик пахта тозалаш» АЖ рахбариятига

Мен (биз),Фаргона шахри, Қувасой кўчаси, 111 уйда жойлашган, электрон почта манзили ilhomjons@mail.ru, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 28 августда берилган №00738-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 399-сон билан рўйхатга олинган, СТИР 207166123, банк хисоб рақами 20208000905011496001, АТБ «Ҳамкор банк» Истиқбол филиалида очилган, МФО 00965 масъулияти чекланган жамият шаклидаги **«MAN GROUP AUDIT»** аудиторлик ташкилоти аудитори Салиев Илҳомжон Адхамович (Аудитор малака сертификати № 04420 19.09.2017 йилда берилган, амал қилиш муддати 2022 йил 19-сентябр) томонидан хўжалик юритувчи субъект **«Қизирик пахта тозалаш» АЖ**нинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат, 31 декабрь 2017 йил ҳолати бўйича молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, **«Қизирик пахта тозалаш» АЖ**нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз, аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект **«Қизирик пахта тозалаш» АЖ**нинг 2017 йил 31 декабрь холатидаги молиявий ҳисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «MAN GROUP AUDIT »
аудиторлик ташкилоти директори: **Салиев И.**

24 апрель 2018 йил